# Қай бирингиз гуноҳ ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Қўли билан кучи етмаса, тили билан қайтарсин! Тили билан ҳам қайтара олмаса, қалби билан нафратлансин! Қалб билан нафратланиш эса, иймоннинг энг заиф ҳолидир

Абу Саид Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Қай бирингиз гуноҳ ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Қўли билан кучи етмаса, тили билан қайтарсин! Тили билан ҳам қайтара олмаса, қалби билан нафратлансин! Қалб билан нафратланиш эса, иймоннинг энг заиф ҳолидир».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам мункар, яъни Аллоҳ таоло ва Унинг элчиси таъқиқлаган ишларни қўлдан келгунча ўзгартиришга буюрмоқдалар. Демак, ким мункар ишни кўрса ва қўли билан монеълик қилишга имконияти бўлса, уни қайтариши, агар қўли билан монеълик қилишдан ожиз бўлса, мункар ишни қилаётган кишига ёмонликнинг зарарини баёнлаш ила яхшиликка йўллаб қўйиши лозим. Агар унга ҳам қодир бўлмаса, гуноҳни инкор қилиб, агар уни қайтаришга қодир бўлганида қайтаришини қалбига тугуш билан монеълик қилиши керак. Қалб билан ёмон кўриш эса, гуноҳни инкор қилишнинг энг заиф мақомидир.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65001